

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/202-сонли

Тошкент вилояти.

06 07 2022 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Бахтиёр Бахромжонович** бир томондан ва **Чиноз ТИФУК** (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Хусанов Жамшид Бахтиёрович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлани** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан [xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz) махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 112 591) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюрмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 3 июлдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

## II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида қўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган курилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 299 551 832 (Икки юз тўқсан тўққиз миллион беш юз эллик бир минг саккиз юз ўттиз икки ) сўм**, шундан **ҚҚС 39 071 978 (Ўттиз тўққиз миллион етмиш бир минг тўққиз юз етмиш саккиз ) сўмни ташкил этиб**, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлашишлари қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўргасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси холосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблаглардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблагни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган заарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объекти *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш коидалари ва мельёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтнчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўрикланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объекти фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикрини баён қиласди.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблаг таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб колишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқлансанда уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган холда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашини ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун биректирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган холда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* *буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар *Буюртмачининг* тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича *Пудратчи* *Буюртмачининг* кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачи* *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблаглари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тутгаллангунгача ва жорий таъмирлаш тутгалланган объект *буюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юкори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгид бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўклиги, Пудратчида зарур пул маблагларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичидаги келишига олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжисалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажариллаётган қурилиши-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтисослашганди, кўп ишлар тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хулосаларини олиш талаб қилинади.

2). **Бажарилган ишлар (хизматларни) хақиқий иш хажмини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат ҳаражати пудратчининг бошқа ҳаражатлари хисобидан қопланади);**

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). **Ички йўлларни эсойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гурух томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан яқуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.**

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурухига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганилиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачигабуюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

### 12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмиглаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқлансан, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлами даолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичига бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

### 13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандага;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларидаги, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмилаш ишларини олиб бораётган пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараённида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл кўйилган камчиликлар ва нуқсанларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи пудратчига* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хуёжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқкан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хulosаси обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсанлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августрдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 мөддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

14.5. *Буюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисобкитоблардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб колиш хуқуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиши муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хуёжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

## XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигига рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

- 17.2. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади;
- 1-илова -- Бажариш жадвали,
  - 2-илова – Молиялаштириш жадвали.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### БҮЮРТМАЧИ

#### “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга бүйртмачи хизмати” ДУК

Тошкент вилояти Нурафшон шахри Бобур кўчаси 119 ўй

Ш/х: 304521860234017045129118322

ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигининг Амалиёт Бошқармаси

х/р 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Генд:

Директор Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев




### ПУДРАТЧИ

#### Чиноз туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси

Тошкент вилояти Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Қурувчилар кўчаси, 1-йй.

х/р: 2021 0000 6001 3190 8001

ИНН 200 453 508 МФО 01039

Чиноз тумани “Ипотека-Банк” АТИБ Чиноз ф-л ОКОНХ 42990

Тел:



Директор



Ж.Б. Хусанов.

**Тошкент вилояти Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат  
кўчасини жорий таъмирлаш**  
**2022 йил " 06 " 07 даги**  
**2022~~152~~сонли шартномасига**

1-и лова

## **Тошкент вилояти Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

cym

№	Амалга оширилдиган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати											Иш турлари бүйича умумий киймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Жорий таъмирлаш	2022							299 551 832,0						299 551 832,0
<b>ҲАММАСИ:</b>		2022							299 551 832,0						299 551 832,0



Тошкент вилояти Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат  
кўчасини жорий таъмирлаш  
2022 йил " 08 " 07 даги  
2022 сонли шартномасига

2-ИЛОВА

Тошкент вилояти Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

СУМ

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	2022 йил												
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябрь	ноябрь	декабрь	Жами
Ажратилган аванс маблаги	2022							89 865 549,6						89 865 549,6
Ажратилган аванс маблагини ииобатта олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблаг	2022							209 686 282,4						209 686 282,4
Жами:	2022							299 551 832,0						299 551 832,0
Жами молиялаштириладиган маблаг		299 551 832 (Икки юз тўқсон тўқкиз миллион беш юз эзлик бир минг саккиз юз ўттиз икки ) сўм,												



Риҳлан



Джонис

# **Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 112591 на приобретение Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 03.07.2022

Время рассмотрения 01.07.2022 15:56

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYOLINSPEKSIYA"
<b>Председатель комиссии</b>	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Тошкент вилояти МИБХ ДУК
<b>Секретарь комиссии</b>	URUNOV JONIBEK QOBILOVICH	Бўлим бошлиғи	Toshkent viloyati MYBX DUK
<b>Член комиссии</b>	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	ABRALOV BEXRUZZXON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi
<b>Член комиссии</b>	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.07.2022 года № лота 112591.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	343 503 692.00
Стартовая сумма	343 503 692.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1- шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. З йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чикариш техника бўлимида З йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	19	299551832	19	Экспертная		
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	19	19	15	Экспертная		

Критерий №2 V. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	2	299551832	2	Экспертная		
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	2	2	2	Экспертная		

Критерий №3 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизм/ни мавжудлиги, жумладан: 1.Юк кўтариш қуввати 10 тонадан кам бўлмаган бортли ўзи ағдарувчиликлар-2дона; 2.Тайёр бетон махсулотини ташувчи автомобил(Миксер) - 2 дона; 3.Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5.Автогрейдер -1 дона; 6.Ювиш машинаси- 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7.Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	20	299551832	18.8	Экспертная		
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	20	20	2.8	Экспертная		

Критерий №4 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50% ) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савододагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	25	299551832	25	Экспертная		
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	25	25	15	Экспертная		

Критерий №5 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўланунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	34	299551832	34	Экспертная		
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	34	34	28	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	343 503 692.00	299 551 832.00	28.06.2022 11:06:56	30.00
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	343 503 692.00	312 126 338.00	30.06.2022 20:57:40	28.79

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	69.16	30	99.16
MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA	43.96	28.7914	72.7514

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 112591 от 03.07.2022 года на приобретение Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA  
200453508

и резервный исполнитель: MCHJ BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA (308717990)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

<b>Член комиссии</b>	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABRALOV BEXRUZZXON ISKANDAR O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana: 19-05-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 42627**

**Obyekt nomi** «Тошкент вилояти Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш»

**Buyurtmachi** - «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

**Bosh loyihachi** - «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ

**Litsenziya** №АЛ-000541 от 04.02.2020г.

**Moliyalashtirish manbai** - Бюджет маблағлари

**Bosh pudratchi** - Танлов савдолари натижалари билан аниқланади

**Qurilish turi** Жорий таъмирлаш

**Murojaat raqami:** № 41898

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172- сонли қарори.

1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

1.3. Буюртмачининг «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК 2022 йил 28 апрелдаги 01/05-357- сонли хати.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган, Чиноз тумани Ободонлаштириш бошқармаси, Сутчилар МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти томонидан 2022 йилда келишилган.

2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 343503,692минг сўм миқдорида.

2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхати.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

3.1. Тошкент вилояти Чиноз тумани Сутчилар МФЙ Ибрат кўчаси қўйидаги параметрларга эга:

- таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 566,0 п.м.

- қатнов кисмининг ўртача эни - 3,5 м.

3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қуйидаги ишлар кўзда тутилган;

- Йўлнинг асос қисмига 18 см қалинликда қум шағал аралашмасини ётқизиш;

- Мавжуд йўл профилини янги материал (ҚША) қўшиш йўли билан тиклаш;

- Чақиқ-тош қўшилган қумли текисловчи қатlam ётқизиш;

- ППА полиэтилен плёнкасини 1 қатlam ётқизиш;

- 18 см қалинликда В 20 (m250)F2 100 маркали цемент бетон қоплама ётқизиш;

- Йўл марзасини автогрейдер ёрдамида текислаш ва бошқа.

3.3. Хисоб - китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНК 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".

Хисоблаш ресурс усулига асосланган.

Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.

